Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-YIL 10-MART, PAYSHANBA, 10 (642)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz






Солиҳ ЗОИР олган суратлар

# ИШОНЧ, ИШТИЁҚ ВА ИСТИҚБОЛ

***O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларимизнинг бош мақсади – оила ва жамият фаровонлиги йўлида тадбиркор ва ишбилармон аёлларнинг фаол иштироки» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида якунланган йилда амалга оширилган ишлар, партиявий лойиҳалар натижалари, Соғлом она ва бола йилида партиянинг устувор вазифалари муҳокама қилинди.***

***Анжуманда таъкидланганидек, ўтган йили партиямиз 200 минг нафардан зиёд ишбилармон аёлларни жалб қилган ҳолда, 3671 та тадбир ўтказган бўлса, жорий режалар янада улкан. Эндиликда сафни янада кенгайтириш баробарида, фаолият қамровини ошириш бўйича ҳам хотин-қизларимизга камарбаста бўлмоқчимиз.***

3→

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 ЙИЛ 9 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 31 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлисида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар, шу жумладан, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (янги таҳрири), айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар, мамлакатнинг айрим идоралари ва муассасалари ҳисоботлари, шунингдек, Сенатнинг прокуратура органлари фаолиятини назорат қилувчи комиссияси таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

## Менинг бизнес ғоям – тадбиркорлик дебочаси

**«Камолот» ЁИҲ Жиззах вилоят кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Менинг бизнес ғоям» мавзусида тарғибот ойлигини ўтказмоқда.**

Мазкур ойлик доирасида Арнасой, Ғаллаорол, Фориш ҳамда Зарбдор туманидаги касб-ҳунар коллежларида бўлиб ўтган тадбирларда O`zLiDeP фаоллари ҳамда партиянинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари вакиллари фаол иштирок этмоқда. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, ёш ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш мақсадида ўтказилаётган семинар-тренингларда имтиёзли кредит турлари, кредит олиш учун қўйиладиган гаров, кафолат ва кафиллик тўғрисида батафсил маълумот берилмоқда. Бу эса ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, микрокредитлар билан таъминлашга кўмаклашиш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутиши табиий.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкил этилган «Менинг бизнес ғоям» танловининг Республика босқичида ғолиб бўлган ёшлар имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлишади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Сайёҳлик салоҳияти Берлинда намойиш этилмоқда

**ГЕРМАНИЯ ПОЙТАХТИ БЕРЛИН ШАҲРИДА 9 МАРТ КУНИ ОЧИЛГАН «ITB BERLIN – 2016» ХАЛҚАРО ТУРИЗМ КЎРГАЗМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ КЕНГ НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА.**

Мамлакатимизда яратилган замонавий туризм инфратузилмаси, ранг-баранг маршрутлар ва сифатли хизматлар сайёҳлар учун кенг қулайликлар яратмоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси халқаро сайёҳлик ярмаркаларида юртимизнинг бу борадаги имкониятларини фаол тарғиб этиб келмоқда. Жорий йилнинг ўзида Испания, Италия, Нидерландия, Бельгия, Латвия каби мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди.

«ITB Berlin» туризм соҳасидаги энг нуфузли кўргазмалардан биридир. Бу йил унда дунёнинг турли мамлакатларидан юзлаб фирма ва компания иштирок этмоқда. Мазкур форум сайёҳлик саноатининг кўплаб замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган бўлиб, унда оилавий саёҳат, ёшлар туризми, сайёҳлик технологияси, экотуризм, бадиий ва маданий сайёҳлик, сайёҳлик бизнеси, ахборот технологиялари, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, авиаташув каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар ишлаб турибди.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, мазкур халқаро ярмаркада «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» ҳамда ўндан зиёд хусусий компания мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини намойиш этмоқда. Ярмарка иштирокчилари мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари, таклиф этилаётган хизматлар, меҳмонхоналар, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумотлар билан танишмоқда.

Форумдан жой олган, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида тайёрланган «Ўзбекистон» миллий стенди ўзига хос янги дизайни, безаклари ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортмоқда. Юртимизнинг бетакрор табиати ва тарихий обидалари акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳунармандларимиз томонидан миниатюра чизиш бўйича ўтказилаётган маҳорат дарслари, миллий куй-қўшиқларимиз ва ранг-баранг рақслар ижроси, серқуёш заминимизда етиштирилган сархил мевалар ҳамда ўзбекона таомлар йиғилганларга ғоят манзур бўлаётир.

«ITB Berlin» кўргазмаси мамлакатимиз сайёҳлик хизматларини халқаро туризм бозорларига таклиф этиш, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, манфаатли шартномалар тузиш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

МУНОСАБАТ

# Юксак эҳтиром намунаси

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН БАЙРАМ ТАБРИГИНИ ЭШИТИБ, ЎҚИБ, ШУНДАЙ ЖАННАТМОНАНД ЗАМИНДА ТУҒИЛИБ, ЎСИБ-УЛҒАЙГАНИМДАН ФАХРЛАНДИМ. ВА ЎША ОНДА БЕИХТИЁР АТРОФИМДАГИ ҲАМКАСБ ДУГОНАЛАРИМНИНГ КЎЗЛАРИГА ҚАРАДИМ. УЛАРНИНГ НИГОҲИДА ҲАМ ЎЗГАЧА ШУКРОНАЛИК, ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИ БАЛҚИБ ТУРГАНИНИ КЎРДИМ.



**Клара ЖУМАМУРОТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси**

Аввало, қутловдаги самимиятга йўғрилган руҳ ҳар биримизга маънавий қувват бағишлаганини, бундай юксак эҳтиромни юракларимиз ажиб энтикиш билан қабул қилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Шундай пайтда нафақат оддий аёл, балки сиёсатчи, депутат, қонун чиқарувчи ҳокимият вакили сифатида ўйлаб қоламан: хотин-қизларга биздагидек катта эътибор ер юзининг қайси нуқтасида бор экан? Тўғри, ўзга элларда ҳам оналар эъзозланади. Лекин бу борада бошқалар бизнинг халқимизчалик ўзининг бой асрий анъаналари, азалий қадриятлари билан тенглаша олмайди. Ўхшаши йўқ миллий қадриятларимиз миллий қонунчиликка кўчгани, аниқроғи, конституциявий норма сифатида белгилаб қўйилгани эса Ўзбекистонда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланганидан далолатдир.

Президентимиз табригида айтилган гаплар, тилга олинган устувор масалаларнинг нақадар долзарблиги ва қадр-қиммати ҳақида жуда кўп мулоҳаза юритиш мумкин. Мен ундаги фақат битта йўналиш — яъни, биз — аёлларга, хотин-қизларга бўлган эътибор масаласига тўхталмоқчиман. Зеро, аёл — оила тиргаги. Оила эса жамият таянчи. Аёл жамият ривожида, унинг маънавий юксалишида жуда муҳим ўрин тутади. Масалан, биргина фарзанд тарбиясини олинг. Бу борада барибир ҳеч ким онанинг ўрнини боса олмайди. Халқимизнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзига хос тарбия мактаби анъаналарини ўзида мужассам этган, ўқимишли, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол она қўлида улғайган ўғил-қиз ноқобил бўлмайди, аксинча, юрт корига ярайдиган, унинг шуҳратини оширадиган, ориятини ҳимоя қиладиган авлод бўлиб етишади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, улар манфаатини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёл зотига ғамхўрликни кучайтириш бўйича мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда гап кетганда, даставвал, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва унда белгилаб берилган устувор вазифалар хаёлдан ўтади.

Бугун юрт тараққиёти, турмуш фаровонлигини белгилашда асосий омил бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкам бир занжирга қиёсласак, аёллар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот — Хотин-қизлар қўмитаси ана шу яхлитликнинг узвий бир бўлаги сифатида фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам Юртбошимизнинг юксак эътибори самарасидир.

Бошқа жамоат ташкилотлари, сиёсий тузилмаларда ҳам аёллар билан ишлаш масалалари алоҳида йўналиш сифатида белгилаб олинган. Хусусан, O`zLiDePнинг дастурий мақсадлари ва Сайловолди платформасида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларнинг интеллектуал меҳнат соҳасида ўз қобилият ва истеъдодини намоён этишлари учун зарур шароит яратиш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш масалалари партиянинг долзарб вазифалари қаторига киритилган.

O`zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилаётган «Соғлом оила – мустаҳкам оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» сингари партиявий лойиҳалар бутун мамлакатимизда тобора оммалашаётгани уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда нақадар улкан аҳамият касб этаётганининг тасдиғидир.

Бу лойиҳаларнинг муҳим жиҳати шундаки, унинг ғолиб ва совриндорлари ўз бизнесини очиш учун молия муассасаларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритади. Табиийки, республика бўйича тижорат банкларидан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш мақсадида ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2007 йилда мана шу мақсадлар учун жами 90,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2013 йилга келиб мазкур кўрсаткич 639,5 миллиард сўмга етди. Табрикда қайд этилганидек, «...биргина 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этганини айтиш кифоя»дир.

Мамлакатимизда охирги 10 йил давомида кичик бизнес субъектларини бошқараётган аёллар 1,6 марта кўпайди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хусусий секторида мавжуд корхоналарнинг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан ортиғини хотин-қизлар самарали бошқараётгани, 2014 йилнинг якунида бўлиб ўтган сайловлар натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини, Сенат аъзоларининг 17 фоизини, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатларининг 23,5 фоизи аёллардан иборат эканлиги ҳам юқоридаги фикрларимизнинг исботи, ўйлайман.

Эътиборлиси, депутатлик мақомига эга бўлган хотин-қизларнинг партиявий мансублиги бўйича энг юқори кўрсаткич ҳам O`zLiDePга тегишлидир. Юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларга аъзо бўлаётган аёллар сони кўпайиб бораётгани ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганини англатувчи кўрсаткичдир. Хусусан, 2013 йилда партияларга аъзо бўлган аёллар 347 712 нафарни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу рақам 410 840 нафарга етди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислигига сайланаётган аёллар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда 734 нафар аёл шундай мақомга эришган бўлса, 2013 йилга келиб улар қарийб икки баробарга кўпайди. Жорий йилда бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловларда ана шу кўрсаткичлар янада яхшиланишига шубҳа йўқ.

Юртбошимизнинг биз — аёллар шаънига билдирган ҳикматона таърифу тавсифларида ўзига хос халқона меҳру муҳаббат мужассам.

2→

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 10 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2129,09 | 1 АҚШ доллари | 2861,68 | 1 Хитой юани | 439,81 | 1 Польша злотийси | 728,07 | 1 ЕВРО | 3146,64 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4072,74 | 1 Миср фунти | 365,48 | 1 Россия рубли | 39,10 | 1 СДР | 3972,07 | 10 Жанубий Корея вони | 23,89 |
| 1 Дания кронаси | 422,05 | 1 Исландия кронаси | 22,29 | 1 Украина гривнаси | 108,00 | 1 Туркия лираси | 984,92 | 10 Япония иенаси | 251,58 |
| 1 БАА дирҳами | 779,13 | 1 Канада доллари | 2149,54 | 1 Малайзия ринггити | 696,10 | 1 Швейцария франки | 2880,69 | | |

# Эзгуликнинг ёруғ йўллари

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

**Партиявий фаолиятимизнинг асосини тарғибот-ташвиқот тадбирлари, тушунтириш ишлари ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда нафақат вилоят маркази, балки ҳудудий нуқтаи назардан бир-биридан анча олис жойлашган туманларда яшаб меҳнат қилаётган, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, ҳамқишлоқлари учун янги иш ўринлари яратаётган ишбилармон аёллар, фермер хотин-қизлар билан кўп суҳбатда бўламиз. Куни кеча нишонланган байрам муносабати билан бундай мулоқотларнинг салмоғи янада ошди.**

Қаерга бормайлик, мисол учун, Конимех овулларидаги сафдошларимиз билан гурунглашасизми, Томди кенгликларидаги маслакдошларимизнинг гапига қулоқ тутасизми, ҳаммасининг тилида ва дилида Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида билдирилган фикрлар акс-садо бераётганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, самимий қутловда Алишер Навоий бобомизнинг **«Аёллар – фаришталарнинг опа-сингилларидир»** деган ҳикматли сўзларида қандай чуқур маъно борлигига эътибор қаратилгани ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ўз вақтида амалга ошириш, қишлоқлар инфратузилмасини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилаётган навоийлик хотин-қизларнинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшгани яққол сезилиб турибди.

Маълумки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш баробарида опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижасида аёлларнинг ўртача умр кўриш даражаси олдинги йиллар билан таққослаганда сезиларли равишда кўтарилди. Бугун табаррук ёшга кирган онахонларимиз, кайвони момоларимизнинг ҳаётий тажрибаларига асосланган ўгитлари «Соғлом оила – мустаҳкам оила» сингари партиявий лойиҳаларимизнинг жойлардаги самарадорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Байрам кунлари сафдошларимиз билан бирга дунё кўрган, кекса бувижонларимиз ҳузурида Юртбошимиз табригидаги пурмаъно сўзларни ўқиб берганимизда, уларнинг юз-кўзларида ўзгача севинч, шукроналик ҳисси пайдо бўлди. Ўз навбатида, Ватанимизнинг барча минтақаларида бўлгани каби Учқудуғ-у Зарафшон, Хатирчи-ю Қизилтепанинг катта-кичик маҳаллаларида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, хонадонларда турли хил маиший можароларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида фидойилик кўрсатиб ишлаётган минглаб аёлларимиз ҳам давлатимиз раҳбарининг улкан эътиборидан маънавий мадад оляптилар, десак асло муболаға бўлмайди.

Эътиборли жиҳати, хотин-қизларимиз учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакасини амалда намоён этишлари учун кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали янада кўпроқ иш қилишимиз кераклиги табрикда алоҳида таъкидланди. Бунинг учун биргина «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида қарийб 7,5 триллион сўм ва бир неча юз миллион доллар ҳажмида маблағ ажратилганининг ўзиёқ истиқлолнинг илк йилларида бошланган эзгу сиёсат изчиллик билан давом этаётганидан далолат беради.

Бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини жамоатчилик назоратига олиш етакчи сиёсий куч сифатида O`zLiDeP фаолларига ҳам катта масъулият юклайди. Модомики, ана шу долзарб вазифани адо этиш мақсадида ҳудудимизда мавжуд 510 та БПТ аъзолари, Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 17, туман (шаҳар) кенгашларидаги 91 нафар депутатимиз билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Зеро, аёллар манфаатларини ишончли ҳимоялаш, саломатликларини мустаҳкамлашга партиявий воситалар орқали кўмаклашиш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб қилиш O`zLiDePнинг дастурий мақсадларидан биридир.

**Саодат НАРЗИЕВА,**
**O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мақеини ошириш бўлими мудири.**

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

# Назариядан — амалиётга

**O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинар «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг бажарилишида партия тузилмалари ва депутатларнинг муҳим вазифалари» мавзуига бағишланди.**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr» мухбири

Анжуманда асосий диққат-эътибор амалдаги қонунларни кундалик ҳаётга жорий этиш механизмларини мукаммаллаштириш ва уларнинг ишлаши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали хусусий сектор фаолиятига асоссиз аралашувларни бартараф этишда маҳаллий кенгашларга O`zLiDePдан сайланган депутатларнинг вазифаларига қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жамол Носиров, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Жасур Болтаев, ушбу бўлинма бош мутахассиси Азиз Болтаев, партия Бухоро туман ташкилоти раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ўлмас Раҳматов, O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Юлдуз Каримова, бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари Руслан Загретдинов ва бошқалар маҳаллий кенгаш депутатларининг ўз сайловчилари олдидаги масъулиятини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда БПТ ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, депутатлик назоратининг амалиётда синалган шакл ва усуллари хусусида йиғилганларга атрофлича тушунча бердилар.

Тадбирда қайд этилишича, 2015 йилда маҳаллий кенгашлар депутатлари томонидан мутасадди ташкилот ва муассасалар раҳбарларига 380 та сўров юборилган. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари сессияларига турли долзарб масалалар бўйича 70 дан ортиқ таклиф киритилган. Депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 44 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган.

— O`zLiDeP дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли, жумладан, ёш авлод онгига сингдириш, либерал ғоялар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини жойларда кенг тарғиб этиш партия ташкилотларининг биринчи даражали вазифалари сирасига киради, — дейди мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Ҳалим Ҳайитов. — «Либерализм дарслари» доирасида ўтказилаётган бу каби ўқув-машғулотлар фаолиятимизни янада самарали йўлга қўйишда алоҳида ўрин тутиши шак-шубҳасиздир.

— Ўқув-семинар менда катта таассурот қолдирди, — дейди Когон тумани хотин-қизлар қўмитаси O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Лайло Ражабова. — Ҳамкасбларимизнинг сиёсий билим даражаси, дунёқарашини кенгайтиришга, тажриба ва малакасини оширишга сезиларли таъсир кўрсатувчи бундай тадбирларнинг юқори савияда ўтказилганидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилдим. Энг муҳими, маъруза ва машғулотлар расмиятчиликдан узоқ, амалиётга яқин экани билан кўпчилик эътиборини торта олди.

# Янгича ёндашув зарур

**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан партиянинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, унинг рақобатбардошлигини оширишга оид қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси» туркум тадбирлари доирасида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси юзасидан амалий мулоқот ташкил этилди.**

**А. МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr» мухбири

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгашлардаги депутатлари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят Фермерлар кенгаши, вилоят Савдо-саноат палатаси ва партия электорати вакиллари қатнашдилар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар кучли ижтимоий ҳимоя, бозор муносабатлари шароитида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари, ёлланма меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш жараёнлари масалага янгича ёндашувларни тақозо қилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида иш берувчи томонидан ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни яратиш, бу борада нафақат янги қонун қабул қилиш, балки мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш муҳим аҳамиятга эгадир.

— Япония, Жанубий Корея сингари кўплаб хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқилиб, қонун лойиҳасига меҳнат муҳофазасини кучайтиришга оид қатор меъёрлар киритилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Наргис Халилова. — Қатор норма ва қоидалар билан тўлдирилган янги қонун лойиҳаси 45 моддадан иборат. Бугунги мулоқотда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига киритиш ниятидамиз.

— Ушбу қонун лойиҳасининг 27-моддаси, 2-хатбошисини «Аттестациядан ўтмаган ходимларни тунги ишларга жалб этиш тақиқланади», деган жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир, — дея ўз фикрини билдирди партия фаоли Зафар Умаров.

Мулоқот давомида илгари сурилган шу каби амалий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА




# «Учинчи сектор»га бирламчи эътибор

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ МАБЛАҒЛАРИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ 2015 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛДА РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ИШЛАРИ ХУСУСИДА ЖУРНАЛИСТЛАРГА АХБОРОТ БЕРДИ.

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr» мухбири

Комиссия раиси Акмал Саидовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида «учинчи сектор» субъектлари тобора ривожланиб, янги босқичга чиқмоқда.

Саккиз йилдан бери фаолият кўрсатаётган Жамоат фонди ва Парламент комиссияси ҳар йили нодавлат нотижорат ташкилотлари, медиа тузилмалар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик энг яхши лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашмоқда. Хусусан, 2015 йил ННТ ва фуқаролик жамияти институтларини давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида молиялаштиришга 10 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Аҳамиятлиси, ўтган йили давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг умумий миқдори 2008 йилга нисбатан 5 бароварга ортган. Жумладан, грант учун мингдан зиёд ННТлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 1200 дан ортиқ лойиҳаларини тақдим этишди. Бунда, айниқса, Фарғона вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги ННТлар фаол қатнашганлиги эътироф этилди.

Тадбирда фонднинг 2016 йилга мўлжалланган фаолият дастури ҳақида ҳам қисқача маълумот берилди. Таъкидланганидек, жорий йилда 60 дан ортиқ устувор йўналишни қамровчи 6 та мавзуда давлат грант танловларини эълон қилиш кўзда тутилган. Хусусан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш, ОАВларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини ёритишга ҳамда давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Матбуот анжумани якунида журналистларни қизиқтирган саволларга ҳам атрофлича жавоб берилди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Ўзгараётган воқелик

**Мустақиллик шарофати туфайли Қорақалпоғистон Республикасининг саноат салоҳияти, экспорт имкониятлари сезиларли даражада ошмоқда. Худди шундай туб ўзгаришларни аграр тармоқ мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 март куни «Жаҳон банки иштирокида «Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси ўлканинг иқтисодий турмуши, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги равнақида янги саҳифалар очади.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
«XXI asr» мухбири

Истиқболли лойиҳадан кўзланган бош мақсад Элликқалъа, Беруний ва Тўрткўл туманларидаги 100 минг гектардан ортиқ экин майдонларида сув ресурсларини мувофиқлаштириш, кафолатли ўзиоқар сув манбалари билан таъминлаш орқали мазкур ҳудудда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўтариш, таннархини пасайтириш, фермер хўжаликлари билан бир қаторда аҳоли томорқаларининг самарадорлигини ҳам оширишдан иборат. Бунинг учун янгидан қурилаётган «Бўстон» магистрал каналининг 35 километрини қуриш, мавжуд 35 километрини қайта тиклаш, магистрал «Ўнгқирғоқ» каналининг 31,1, магистрал «Пахтаарна» каналининг 27,5 километрини қайта тиклаш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Айни чоғда 375 километрлик хўжаликлараро каналлар ва гидротехник иншоотларда янгилаш тадбирлари бажарилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 376,7 миллион АҚШ долларидан иборат бўлиб, Жаҳон банкининг улуши 260,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағдан иборат. Мамлакатимиз бу муҳим лойиҳага 115,9 миллион АҚШ долларига тенг ўз маблағларини сарфлайди. Ҳудудда сув ресурсларини бошқариш тубдан яхшиланиши туфайли обиҳаётдан фойдаланиш коэффициенти сезиларли даражада ошади. Натижада Беруний туманлараро насос станциялари, электр ва алоқа бошқармаси тасарруфидаги «Дўстлик», «Қиличиноқ» ва «Найман-Бештом» насос агрегатлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда фермер хўжаликларидаги 450 дан ортиқ агрегатлар фаолияти тўхтатилиб, ҳар йили 14,5 миллиард сўм маблағ тежаб қолинади. Бундан ташқари лойиҳа бу ҳудудда пахтани машинада териб олиш билан боғлиқ муҳим тадбирни ҳам амалга оширишга йўл очиб беради. Бунинг учун Элликқалъа туманига 78 та, Беруний туманига 72 та, Тўрткўл туманига 44 та замонавий пахта териш машиналари келтирилган. Ҳудуддаги пахта тозалаш корхоналарини замонавий техника воситалари ва механизмлари билан таъминлаш юзасидан ҳам муайян ишлар уддаланади.

Қарор ижросини таъминлашга бағишлаб Бўстон шаҳрида ўтказилган жорий семинарда Жаҳон банки вакили жаноб О. Дюран, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари А. Далиев, Элликқалъа тумани ҳокими Н. Худойберганов, Беруний туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи К. Давлетов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Сув истеъмолчилари ва фермерларга ғўзани машинабоп қилиб ўстириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқда қайта ишлаш саноатини шакллантириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.



# ИШОНЧ, ИШТИЁҚ ВА ИСТИҚБОЛ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

■ Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА, Дилноза НОМОЗОВА

«Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» кўрик танлови ғолибаси Шоҳиста Мадярова:

— Яратилган шарт-шароитлар боис, ҳозир 180 минг нафардан зиёд аёлимиз тадбиркор. Мен ҳам 10 йилдан буён шу соҳадаман – корхонамда 25 нафар хотин-қиз ишлайди. Биз катта кучмиз, фақат ўзимизга бўлган ишончни янада мустаҳкамлаб, иштиёқ билан истиқболни қарши олсак кифоя. Зотан, биз учун барча шароитлар яратилган.

Партиянинг қатор ташаббуслари, шу жумладан, «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳаси асосида юзлаб аёлларнинг бандлиги таъминланмоқда. Энг муҳими, минглаб аёллар партиянинг мазкур лойиҳа доирасидаги кўплаб тадбирларда ўз иқтисодий билимларини ошириш имконига эга бўлиб, 4 мингдан ортиқ аёл янги иш ўринлари билан таъминланди. 2012-2015 йиллар давомида ушбу лойиҳа доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда қатнашган 1248 нафар хотин-қизга партия кўмагида тижорат банклари томонидан 20 млрд. 323 млн. 727 минг сўмлик кредит ажратилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур лойиҳада фаол қатнашган аёлларга 11 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилиб, бунинг натижасида 1300 га яқин янги ва қўшимча иш ўрни ташкил этилди.

Тадбирда фермер хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган «Фермер аёллар» лойиҳаси ҳам амалга оширилиб, чекка қишлоқларда фаолият юритаётган фермер аёлларга амалий ёрдам кўрсатилгани эътироф этилди.

Тадбир давомида «Аёллар қаноти»нинг лойиҳаларида иштирок этиб, кредит олган ва ўз бизнесини бошлаган тадбиркор аёлларнинг маҳсулотлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

# Бебаҳо бойлик

**БОЛАЖОН ХАЛҚМИЗ, «ЎНТА БЎЛСА, ЎРНИ БОШҚА» ДЕГУВЧИ ҲАМ ФАҚАТ БИЗ БЎЛСАК КЕРАК. ЗЕРО, ҲАР БИР ФАРЗАНД ХОНАДОНЛАРИМИЗГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ, ОИЛАМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ. СОҒЛОМ ОНАДАН ДУНЁГА КЕЛГАН ДУРКУН ФАРЗАНД ЭСА НАФАҚАТ ОИЛА, БАЛКИ ЖАМИЯТ УЧУН ҲАМ ЯРАТГАННИНГ УЛУҒ НЕЪМАТИ САНАЛАДИ.**

■ Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr» мухбири

— 2005 йилда ташкил этилган марказимиз жамоасининг устувор вазифаси ҳам айнан соғлом оналардан соғлом фарзандлар туғилишига кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат, — дейди Навоий вилоят «Она ва бола скрининги» маркази директори, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Маҳфуза Ҳамроева. — Кўпчилик соғлом турмуш тарзини «Яхши есак, яхши яшасак, турмушимиз фаровон бўлса...» деган тор маънода қабул қилишади. Ваҳоланки, бу жараён жуда кўп ҳаётий мезонларга боғлиқ. Масалан, қизларимизни — бўлажак оналарни болалигидан ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етишига эътибор қаратиш лозим. Халқ тили билан айтганда, «суяк сурувчи ирсий касалликлар»дан асраш, балоғат ёшида уларни катта ҳаёт – оила қуришга тайёрлаш, эрта турмуш қуришининг олдини олиш зарур. Ёшларнинг никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтказилиши эса кўплаб нохушликларнинг олдини олишини унутмайлик. Қолаверса, соғлом фарзанд кутган ҳар қандай оила, аввало, ҳомиладор аёлига ғамхўр бўлмоғи талаб этилади. Чунки ҳомиладор аёлнинг ҳар қандай руҳий-физиологик ҳолати, ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади.

Олдимизда турган ана шу вазифаларни бажариш мақсадида ҳар ойда бир марта туман ва шаҳар тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Саломатлик ҳафталиги» тадбирларида мутахассисларимиз мунтазам иштирок этишяпти. Вилоятимизнинг чекка ва олис ҳудудлари аҳолиси, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчилари ўртасида «Эрта ва кеч никоҳларнинг оқибати», «Яқин қариндошга қиз берманг», «Ирсий касалликлар ва уларнинг олдини олиш» каби мавзуларда тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришди. Хусусан, Нурота туманининг барча ҚВПларида бўлиб, 530 нафардан зиёд ҳомиладор аёлларни ультратовуш текширувидан ўтказишди.

Ўтган йили вилоят бўйича ҳисобга олинган 17679 нафар ҳомиладор аёлнинг 10378 нафари марказга келиб, ҳомиласи 14-20 ҳафталигида скрининг текширувидан ўтган. Ультратовуш текширувлари натижасига кўра, 212 нафар ҳомилада нуқсон ва ирсий касаллик мавжудлиги аниқланган. Тиббий кўрсатма асосида даволаш ва сақлаб қолиш номақбул топилган 172 нафар аёлнинг ҳомиласи тўхтатилган. Бир сўз билан айтганда, шунча ногирон фарзанд дунёга келишининг олди олинган. Йил давомида 9920 нафар чақалоқ неонатал скрининг текширувидан ўтган.

Марказнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Жумладан, республика Скрининг маркази томонидан ажратилган AB Mindray русумли қонни биохимиявий текшириш аппарати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмаги билан Хитойнинг «Xinjiang Ramadan International Trade CO Ltd» компанияси томонидан ҳомийлик тариқасида ажратилган «HY 6000 PRO» русумли, рангли доплер ва сенсор рақамли стационар ташхислаш тўплами аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

# ҲУДУДЛАРДАН хабарлар

**Пойтахтимиздаги** Миллий матбуот марказида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди. Мутасаддиларнинг маълум қилишларича, жорий йилнинг январь ойида 280 дан зиёд тадбиркорлик субъектига товар ва хизматларни ташқи бозорга чиқариш учун ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилган бўлиб, эндиликда уларнинг фаолият доираси кенгайиб, юқори самарага эришмоқда.

— Экспорт ҳажми ва жўғрофиясини кенгайтириш, ташқи бозорга чиқиш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш айни пайтда муҳим масала, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори ўринбосари Камолиддин Нурматов. — Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун янги бозорлар ўзлаштирилаётганлигини алоҳида эътироф этмоқ жоиз. Жанубий Кореяга гилос, Японияга қовун экспорти йўлга қўйилди. Ташқи бозорда ўрик ва анор шарбатига ҳам талаб юқори.

Жорий йилда жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини янада кўпайтириш, жумладан, 26 турдаги янги маҳсулот экспортини йўлга қўйиш, фермерлар ва агрофирмалар раҳбарларининг хорижий давлатларда малака оширишини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, амалдаги йилда жамғарма фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг устав капиталини камида 2 бараварга кўпайтириш, ваколатларини кенгайтириш, пировард натижада тадбиркорлик субъектларининг 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги мол-маҳсулотлари экспортини амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш режалаштирилмоқда.

• • •

**СИРДАРЁ вилояти,** Сайхунобод туманида O`zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Жамият ва аёл» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, тадбиркор ва фермер аёллар, «Пахтакон» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси, ҳамкор идоралар вакиллари қатнашди.

— Хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган ислоҳотлар самарасида партиямизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, сиёсий кучнинг ташаббускор аёллари чекка ҳудудлардаги хотин-қизларни ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишга кўмаклашишяпти, — дейди халқ депутатлари Сайхунобод туман кенгаши депутати, «Сайхун ғишт» МЧЖ раҳбари Шоира Шаматова.

• • •

O`zLiDeP **СУРХОНДАРЁ** вилоят кенгаши «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» шиори остида «Кексаларни эъзозлаш — миллий қадриятимизнинг муҳим омили ва эртанги кунимиз мезони» мавзусида жорий йил 23 февраль — 3 март кунлари оралиғида амалий ишлар акциясини ўтказди. Унинг доирасида вилоят бўйлаб 20 та турли учрашув ва бошқа тадбирлар ташкил қилинди.

— Кўп яшанглар, балли, болаларим. Сизларнинг ташрифингиз давлатимизнинг бугунги ислоҳотлари, сиёсатидан дарак. Ёшларки кексаларни эъзозлаб, тўрга чорлаб тураркан, келажагимиз бундан-да нурли, порлоқ бўлишига шубҳам йўқ, — дейди миннатдорлик билан Момочучук ая Нурмуҳаммедова.

• • •

**ЖИЗЗАХ** вилоятидаги «Қудуқча» фермер хўжалиги раҳбари Дилрабо Босимова 18 йилдирки ғалла етиштириб, халқимиз дастурхонига файз-барака киритиб келаётган партиядошларимиздан бири. 79 гектар лалми ерга уруғ сочиб, шартнома режасини мунтазам зиёдаси билан бажариб келади. Экин майдонлари катта йўлга яқинлиги боис автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга тушириб, икки йил аввал «Микрокредитбанк»дан 40 миллион сўмлик кредит олиб, ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда 6 нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлади. Бундан ташқари, ўтган йили тўрт нафар коллеж битирувчисини ишга олди.

Интилганга толе ёр, деганларидек, Дилрабо қай ишга қўл урса, бароридан келаяпти. Бу эса уни янги-янги режаларга чорламоқда. Айни пайтда фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ҳудуддаги 0,15 гектар ер майдонига йўловчилар учун дам олиш маскани — меҳмонхона қуриш ҳаракатида елиб-югуряпти.

• • •

Халқ депутатлари **ҚАШҚАДАРЁ** ҳудудий кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида вилоят ҳокими ўринбосари Ғайрат Жавлиевнинг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда қайд этилганидек, ўтган йили тижорат банклари томонидан ҳудуддаги 9543 та тадбиркорлик субъектига 702 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди. Натижада, ўтган йил якунида кичик бизнес корхоналарининг вилоят ялпи маҳсулотидаги улуши 51,6 фоизни ташкил этди. Шунингдек, бу кўрсаткич саноатда 21,7, қурилиш ишларида 64,6, чакана савдо айланмасида 91,5, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда 58,7, жами хизматларда 27,2 фоизни ташкил қилди. Жами 97,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт амалга оширилди, қувонарлиси, хорижга сотилган муҳсулотларга яна етти хил янги товар қўшилди.

Вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Мустафхон Султонов, депутатлардан Алишер Бойқараев, Панжи Гелдиев, Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Дилшод Турсунов ва бошқалар мамлакатимизда иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, эркин рақобат ва қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хорижий сармояларни жалб этиш орқали соҳани ривожлантириш борасидаги тизимли ислоҳотларни жадаллаштиришда Президентимизнинг фармон ва қарорлари дастуриламал бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда касб-ҳунар коллежларини битирувчи баъзи йигит-қизлар тижорат банкларидан кредит олишда қийинчиликларга дуч келаётганликлари, айрим тадбиркорлик субъектларига жой ажратишда сансалорликка йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди. Жойларда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган тизимли ўқувларни ташкил этиб бориш, тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар билдирилди. Мажлис якунида ҳисобот маъқулланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИНСОН ВА ҚОНУН

# Одил судлов — ҳуқуқлар гарови

**Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тадрижий равишда яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари билан давлат органлари ўртасидаги муносабатларда шаффофликни таъминлаш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунда, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига эркин фаолият учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга хизмат қилувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиниш жараёни режали равишда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.**

Бугунги кунга келиб тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида ишбилармонлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилиб, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув учун қатъий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик», Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси эса «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» тўғрисидаги янги боблар билан тўлдирилиб, хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларидан ноқонуний равишда ҳужжатлар талаб қилиб олиш каби айрим иллатларни бартараф этиш мақсадида жавобгарлик чораларининг белгиланиши фикримизнинг яққол далилидир.

Шу ўринда хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда хўжалик судларининг ролини янада кучайтириш, суд органларининг мустақиллигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланилиши тартиби жорий этилди.

Шу даврдан бошлаб, тадбиркорнинг фаолиятини тугатиш, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш, фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш (бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно), банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), молиявий жазо чораларини қўллаш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, (бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно) каби ҳуқуқий таъсир чоралари назорат қилувчи органлар ваколатидан чиқарилиб, фақатгина суднинг қарори асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бундай тартибнинг жорий этилиши, авваламбор, мамлакатимизда назорат қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз таъсир чоралари қўлланилишининг олдини олишга замин яратиш билан бир қаторда, ушбу тоифадаги низоларнинг судларда ошкора, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тортишувлиги тамойили асосида ҳал этилишини таъминламоқда.

Қонунга мувофиқ тўғри ва ҳалол ишлаётган тадбиркорлар суд ҳимоясига олинмоқда, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашган, ваколат доирасидан четга чиққан мансабдор шахсларга нисбатан судларнинг таъсири янада кучайтирилмоқда.



«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги бўлимидаги нормаларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлади, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини янада оширишга хизмат қилди.

Солиқ кодексининг 108-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, эндиликда солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса, бундай ҳолатда унга нисбатан молиявий санкцияларни қўллашнинг бир нечта усули белгиланди. Агар солиқ тўловчи солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликларни содир этган бўлса, молиявий санкциялар миқдори қамраб олиш ёхуд тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали қўлланилиши кўрсатилди. Мазкур ўзгартиришлар киритилгунга қадар, агар тадбиркорлик субъекти томонидан бир нечта ҳуқуқбузарлик содир этилиб, солиқ органининг аризасида Солиқ кодексининг бир нечта моддаси бўйича молиявий санкцияларни қўллаш сўралган бўлса, суд ҳар бир СКнинг моддасида назарда тутилган санкцияларни қўшган ҳолда жарима миқдорини ҳисоблаб, қўллар эди. Энди эса бир нечта моддалар бўйича санкцияларни қўллаш сўралганда, суд қўллаш сўралган СК моддаларининг қайси бирида энг катта миқдордаги молиявий санкция назарда тутилган бўлса, фақат ўша миқдорда жарима қўллашга ҳақли (бунда молиявий санкция миқдори камроқ бўлган жазолар ҳисобга олинмайди).

Солиқ кодексининг 112-моддасига ҳам тегишли қўшимча киритилган бўлиб, унда тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилиши лозим бўлган молиявий санкциянинг миқдорини камайтириш имконияти назарда тутилган.

Мазкур қўшимча билан хўжалик судларининг ваколатлари кескин кенгайтирилди. Аввал хўжалик судлари тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари бўйича, солиқ органининг аризаси асосли бўлган тақдирда, фақат Солиқ кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган молиявий санкциянинг белгиланган миқдорини қўллашга мажбур эдилар. Эндиликда қўлланиладиган молиявий санкциянинг миқдори Солиқ кодексида назарда тутилган молиявий санкцияларнинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўлланилиши мумкинлиги белгиланди.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар суд томонидан тадбиркорлик субъектининг содир этган ҳуқуқбузарлиги оқибатларига мутаносиб бўлган молиявий санкцияларни қўллашга, тадбиркорларнинг молиявий аҳволи ёмонлашишининг олдини олишга, энг асосийси, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини оширишга хизмат қилади. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хилоф равишда чиқарилган ҳужжатларини суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш орқали ҳам мулкдорлар синфининг янада ривож топишига кўмаклашилмоқда.

Хўжалик судларига хўжалик ишини кўриб чиқиш пайтида давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг низолашилаётган ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилиши оқибатида низоли ҳужжат бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг бузилишини тўхтатиб туриш имкони яратилди.

Галдаги муҳим вазифа қабул қилинган қонунларни амалиётга тўғри татбиқ этиш йўли билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига риоя этилиши ва қонун устуворлигини таъминлашга эришишдан иборат.

**Мақсудбек САИДОВ,**
**Жиззах вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари.**

«XXI asr» 2016-yil 10-mart, payshanba, 10 (642)-son, www.21asr.uz

# Туманларни қамраган ташаббус

**O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан туманлардаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-ҳунар коллежларида «Ёшларнинг тадбиркорликка оид ҳуқуқий билимларини ошириш — фермерлик ривожининг муҳим омили» мавзусида очиқ мулоқотлар ўтказилиб, ушбу тадбирлар орқали 3 мингга яқин йигит-қизлар қамраб олинди.**



Халқ депутатлари вилоят ва туманлар кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, тижорат банклари, Фермерлар кенгаши, Ягона дарча маркази экспертлари, партия лойиҳалари совриндорлари иштирокидаги жонли мулоқотлар тадбиркорлик ва фермерлик йўналиши бўйича ёшларда ҳам назарий, ҳам амалий кўникмаларни шакллантириш имконини берди.

Очиқ мулоқотлар давомида «Ёшлар қаноти» фаоллари партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, истиқболли лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликка ихтисослашган касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам амалга оширдилар.

— O`zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга», «Ёш фермер», «Ишбилармон талаба» каби лойиҳалари ёшларнинг тадбиркорликка қизиқишини кучайтириш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, уларнинг ижтимоий сиёсий-фаоллигини ошириш, мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилиб келинмоқда, — дейди «Ишбилармон талаба-2015» стипендияси кўрик-танлови стипендианти Озода Жомғирова.

— Мазкур мулоқотларда партия томонидан ёшларнинг бандлигини таъминлаш, иқтисодий билимларини янада оширишга қаратилган кўпгина лойиҳалар ўтказилиб келинаётганлигини билиб олдик, — дейди Узун тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи 3-босқич талабаси Сайёра Исаева.

Тадбир иштирокчилари, шунингдек, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик ва балиқчиликка ихтисослашган илғор фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўз фаолияти ҳақидаги маърузаларини тинглашди.

**Д.РАҲМОНОВА,**
**O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири.**

# «Жасмина» эътибор қозонмоқда

O`zLiDeP САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИС КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ» МАВЗУСИДА АМАЛИЙ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ.

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr» мухбири

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўтказилган мазкур тадбирда шу институт ректори, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Т. Остонақулов, партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари И. Ботиров, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Р. Юлдошев ва соҳа мутахассислари, тажрибали фермерлар қатнашди.

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани айтиб ўтилди.

Ўтган йили Самарқанд вилоятида 95 мингга яқин иш ўрни ташкил қилинган бўлиб, шундан 80 мингтаси қишлоқ жойларда яратилган. Шунингдек, аграр соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида 11 мингдан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 13 мингга яқин янги иш ўрни очилган.

— Тадбир давомида соҳада қўлга киритилаётган илмий ютуқлар намойиш этилди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Фарид Ҳасанов. — Шу тариқа асосий электоратимиз бўлган фермерларни эришилаётган ютуқлар билан яқиндан таништириб, уларнинг амалиётга татбиқ қилинишини жадаллаштиряпмиз.

Дарҳақиқат, аграр тармоқда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунда ёшларнинг ҳам ҳиссаси борлиги қувонарлидир. Жумладан, «Жасмина» буғдой навини яратган ёш олим Ғулом Ғайбуллаевни олайлик. Бу серҳосил нав ўтган йили 700 гектар майдонда экилиб, эътибор қозонган. Жорий йил янада кўпроқ майдонларда етиштириш мўлжалланаётгани эътиборга молик.

Амалий мулоқот доирасида ўқув-машғулотлар ҳам ўтказилди. Унда партия танловларида иштирок этиб, аграр соҳадаги билимларини янада оширишга эришган ёшларнинг фермерлик соҳасида яратган инновацион лойиҳалари тақдимотлар тарзида намойиш этилди. Фаол иштирок этган бир қатор талабаларга партиянинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

## O`zLiDeP ва СПОРТ

**Маълумки, ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни беқиёс. Шу боисдан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.**

# Ғолиблар тақдирланди

Айниқса, дунё спортида ноёб тажриба сифатида эътироф этилган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида ўғил-қизларимиз фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришаётганлиги таҳсинга лойиқдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга танита олмайди».

2005 йилда юртимиздаги 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда ушбу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этган. Хусусан, ёшлар ўртасида спортнинг шахмат-шашка турига қизиқиш кучайиб бормоқда. Буни Чимбой тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. O`zLiDeP туман кенгаши ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан яқинда 5-9 синф ўқувчилари ўртасида шахмат-шашка мусобақаси ташкил этилди.

Қизғин баҳслар остида ўтган беллашувларда тумандаги 38-, 40- ва 41-мактабларнинг жамоалари юқори натижаларга эришди. Ғолиб командалар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати.**

# Спортсевар аёллар

**Кейинги йилларда чустлик хотин-қизлар ўртасида спортга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бу эса ўзининг кутилган самараларини бераяпти. Яқинда тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларга етакчилик қилаётган бир гуруҳ аёллар спортнинг етти тури бўйича ўзаро мусобақалашдилар.**

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган ҳудудий дастуримизда аёллар ўртасида спортнинг оммавийлигини оширишга кенг ўрин ажратилган. Қишлоқ жойларда ҳам турли спартакиадалар, спорт мусобақалари ташкил этиш орқали опа-сингилларимиз саломатлигини янада яхшилаш ниятидамиз, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Насиба Бозорова. — Шахмат, гимнастика, енгил атлетика бўйича ўтказилган якка баҳсларда 6-умумтаълим мактаби директори Холисхон Дадахонова, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Садоқат Йўлдашева, 54-мактабгача таълим муассасаси мудираси Дилрабо Мўминовага тенг келадиганлар топилмади. Жамоавий мусобақаларда эса мактабгача таълим муассасалари ва туман тиббиёт бирлашмасининг спортсевар аёллари юқори натижаларга эришдилар. Ғолибларга вилоят ва туман ҳокимликларининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## O`zLiDePнинг 2015 йилги бюджети ижроси ва 2016 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида АХБОРОТ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўзининг молиявий фаолиятини «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ва «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартда тасдиқланган «Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом» ҳамда ўз Уставига мувофиқ амалга оширади.

2015 йил мобайнида марказий ва ҳудудий партия ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ташкилий-партиявий, мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини янада кенгайтириш орқали ўз дастурий мақсад вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда эришилган натижалар самараси ўлароқ партия аъзолари сони 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига **278 388** нафарни ташкил этди. Партиянинг қонунда белгиланган тартибда Давлат бюджетидан молиялаштирилиши унинг имкониятларини янада кенгайтириб, самарали фаолият олиб боришига хизмат қилди.

Партия Уставига мувофиқ партияни молиялаштириш манбалари ҳудудий партия ташкилотлари ҳисоб рақамларига келиб тушган аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, юридик шахслар ва фуқаролар томонидан бериладиган хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа барча тушумлар ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат.

2015 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами **18 млрд. 272 млн. 897 минг 900 сўм** маблағ, шу жумладан, партиянинг Устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан **15 млрд. 513 млн. 897 минг сўм, аъзолик бадалларидан 1 млрд. 829 млн. 614 минг 700 сўм,** ҳомийлик ёрдамларидан **3 млн. 276 минг сўм**, тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромад ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобидан **84 млн. 132 минг 700 сўм** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун давлат бюджетидан **841 млн. 977 минг 500 сўм** келиб тушган.

Партиянинг 2015 йилдаги устав фаолиятини амалга оширишга доир харажатлари жами **14 млрд. 635 млн. 180 минг 300 сўм**ни ташкил этди.

Шу жумладан, партиянинг ижро этувчи аппарати таъминоти учун жорий харажатларга **12 млрд. 820 млн. 132 минг 100 сўм**, партия аъзоларининг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатиш харажатларига **182 млн. 128 минг 400 сўм**, партия фаолларини ўқитишга, улар билан семинарлар, тренинглар ўтказиш ва конференциялар, съездлар ўтказиш харажатларига **373 млн. 777 минг 800 сўм**, партиянинг мол-мулкини сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатларини тўлашга **831 млн. 337 минг 100 сўм** ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир ва бошқа харажатга **16 млн. 437 минг 900 сўм** сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларига **411 млн. 367 минг сўм** сарфланди.

Партиянинг банк ҳисобварақларида 2016 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ маблағлар жами **3 млрд. 266 млн. 340 минг сўм**ни ташкил этди. Шу жумладан давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қолдиқ **2 млрд.994 млн 878** минг сўм.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ сиёсий партия томонидан молия йили мобайнида фойдаланилмаган давлат маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилмаслиги ва бу маблағлардан келгуси йилларда уларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун фойдаланилиши белгилаб қўйилди.

Партиянинг сайловларда иштирок этиш учун давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларнинг **433 млн. 467 минг 500 сўм** қисми (фойдаланилмаган маблағлар), тўлиқ давлат бюджетига қайтарилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлардан **430 млн. 610 минг 500 сўм**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига ўтказилган такрорий сайлов харажатлари учун ажратилган маблағлардан **2 млн. 857 минг сўм**.

Партия ҳисоб рақамига тушган маблағлар партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси мажлисида тасдиқланган харажатлар сметаси асосида сарфланди. Харажатлар сметасининг бажарилиши Ижроия қўмита томонидан ҳар чоракда назорат қилинди. Юзага келган вазиятга қараб, ўрнатилган тартибда харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилди.

Партиянинг асосий воситалари **2016 йил 1 январь** ҳолатига харид қилинган ва хайрия ёрдами сифатида қабул қилинган маблағларни ҳисобга олган ҳолда жами **6 млрд. 509 млн. 690 минг сўм**ни ташкил этади.

Йил бошидаги қолдиқ маблағлар билан партиянинг 2016 йилги бюджети жами **24 млрд. 947 млн.817 минг сўмни** ташкил қилиши кутилмоқда. Шундан **19 млрд. 223 млн. 765 минг сўм** давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, **2 млрд. 362 млн. 604 минг сўм** аъзолик бадаллари, **16 млн. 800 минг сўм** юридик шахслар ва фуқаролар хайрия ёрдами маблағлари ва **78 млн. 308 минг сўм** тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган тушумлар ҳамда йил бошидаги ҳисобварақлардаги **3 млрд. 266 млн. 340 минг сўм** қолдиқ маблағлардир.

Партиянинг 2016 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилди: жумладан, партиянинг ижро этувчи аппарат таъминоти учун жорий харажатларга саксон беш фоиз, партиянинг матбуот органига ёрдам кўрсатишга 0,1 фоиз, партия аъзоларининг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатиш харажатларига 1,8 фоиз, партиянинг конференциялари, съездларини ўтказиш харажатларига 1,9 фоиз, партия фаолларини ўқитишга, улар билан семинарлар, тренинглар ўтказиш харажатларига 3 фоиз, партиянинг мол-мулкини сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатларини тўлашга 8 фоиз. ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир ва бошқа харажатларга 0,2 фоиз.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, партия фаолиятини молиялаш манбалари тўғрисидаги ҳисоботни ваколатли органларга тақдим этиш ҳамда партиянинг 2016 йилги бюджети лойиҳасини тасдиқлаш масаласини O`zLiDeP Сиёсий Кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

## АНИҚ САВОЛГА — АНИҚ ЖАВОБ

**— Халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий этган корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотига мувофиқлик сертификати олмаса ҳам бўладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

*Н.Умарова,*
*Бухоро шаҳри.*

— Сифатни бошқариш тизими учун берилган сертификат бу корхонанинг бошқариш тизими халқаро стандартларга мослигини тасдиқлайди ва корхона жаҳон стандарти талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқара олишини кафолатлайди. Мувофиқлик сертификати эса шу маҳсулотнинг сифат ва хавфсизлик талабларига жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Шу боис сифатни бошқариш тизимига берилган сертификатни маҳсулот учун берилган мувофиқлик сертификати билан тенглаштириб бўлмайди.

*«SANADA» сертификатлаштириш органи бошлиғи Аделя САЛИХОВА жавоб берди.*

## ҚУТЛОВ



# Бошланғич партия ташкилотларида





## Бор куч ва имкониятлар ишга солинаяптими?

ПОП ТУМАНИДАГИ ПАРТИЯМИЗНИНГ 57 ТА ТАЯНЧ БЎҒИНИДА ҲАМ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ АНИҚ РЕЖА АСОСИДА ЎТКАЗИЛМОҚДА. ҲОЗИРГАЧА 14 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДА МУҲИМ ТАДБИРЛАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

Жумладан, яқинда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидаги 33 ҳаммаслакни бирлаштирган қуйи тузилмада ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибига мувофиқ қуйи бўғин етакчиси Умиджон Ғаффоровнинг ҳисоботи тингланди. Унинг айтишича, 2015 йил мобайнида БПТ ташаббуси билан 15 та ғоявий-сиёсий тадбир ўтказилган. Эътиборлиси, жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ 12 та мурожаат келиб тушган. Улар бошланғич ташкилотнинг йиғилишларида муҳокама қилиниб, тегишли тартибда халқ депутатлари туман кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Рустамжон Турсуновга олиб чиқилган. Депутат саъй-ҳаракатлари натижасида фуқароларнинг 11 нафарига молия муассасаларидан турли миқдордаги кредитлар ажратилган. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларида эса 56 та иш ўрни очилган. Иш билан таъминланганларнинг 35 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан иборат.

Шу билан бирга қуйи бўғин ташаббуси билан туман марказидаги маҳаллаларда ҳар ойнинг иккинчи шанбаси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш куни, деб белгиланди. Маслакдошлар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва аҳолининг бандлик даражасини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилишига бошқош бўлганликлари ҳам эътиборга молик. Сиёсий куч сафига янги аъзоларни қабул қилиш ишлари ҳам қониқарли даражада — ҳисобот даврида қуйи бўғин 15 нафар йигит-қиз ҳисобига кенгайди.

— Баён этилганлардан бутун куч ва имкониятларимиз тўла ишга солинаяпти, деган маъно чиқмаслиги керак, — дея таъкидлади муҳокама чоғида сўз олган БПТ фаолларидан бири Акромжон Раҳимов. — Масалан, тадбирларимизнинг аксарияти туман марказида уюштирилаяпти. Ваҳоланки, олис қишлоқлардаги тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар, айниқса, ёшлар ва аёллар ҳам партиямиз дастурий мақсадлари, олиб бораётган ишларидан доимий йўсинда хабардор бўлишлари даркор. Шунингдек, жамоат ва депутатлик назоратининг самарадорлиги ортишига кўмаклашишга оид ишларимизни қайта кўриб чиқишимиз талаб этилаётир.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Сафдошлар У. Ғаффоровга ишонч билдириб, уни яна етакчиликка сайлашди.

Тадбир ниҳоясида иштирокчилар диққати БПТнинг жорий йилга мўлжалланган иш режасига қаратилди. Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, жойларда, хусусан, қишлоқларда оилавий ва бошқа шаклдаги бизнесни янада ривожлантириш ҳамда бошқа қатор вазифаларни бажариш йўллари атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Муваффақиятни белгилайдиган омиллар

*O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши таркибидаги бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларини кузатар эканмиз, аксарият тадбирлар чуқур таҳлиллар, ўз-ўзини танқид, замонга ҳамнафаслик ва ташаббускорлик руҳида ўтаётганига ишонч ҳосил қилдик.*



**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**
«XXI asr» мухбири

Партиявий фаолиятнинг муваффақиятини белгиловчи омиллар кўп. Хусусан, дастурий мақсадларга, куч ва имкониятларга ишонч, пухта тузилган аниқ режалар, бир ёқадан бош чиқариб саъй-ҳаракат қиладиган аҳил маслакдошлар, ўрганиш ва изланишга иштиёқ, тажрибали устозлар ўгити ва, албатта, астойдил қилинган меҳнат кутилган самараларни бериши тайин.

— Вилоятда 501 та O`zLiDeP қуйи бўғини тузилган. Барчасининг ташкилий, мафкуравий, сиёсий жиҳатдан етуклигига эришишимиз зарур, — дейди партия ҳудудий ташкилотининг БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Исомиддин Ҳамидов. — Бинобарин, ҳисобот-сайлов йиғилишларида фаолиятни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб, хато ва камчиликлар сабабларини аниқлаб, сафдошларимизни устувор вазифалар ижросига йўналтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Йиғилишлар кун тартибига киритилган ҳар бир масала, хоҳ у ўтган йил фаолияти сарҳисоби бўлсин, хоҳ БПТ етакчисини сайлаш бўлсин, ёхуд муҳим вазифаларни белгилаб олиш бўлсин, ҳар бир партия аъзосининг фаол иштирокини талаб қилади. Шу боис ҳисобот-сайлов йиғишларига жиддий тайёргарлик кўрилди. Таянч тузилмаларга бириктирилган депутатлар, партиянинг вилоят ва туман кенгашлари масъул ходимлари бу жараёнга жалб қилинди. Назаримда, саъй-ҳаракатларимиз бесамар бўлмаяпти. Айниқса, ёшлар O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида кўрсатилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутувчи мазкур тадбирларда фаол қатнашиб, асосли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билан чиқишмоқда.

Дарҳақиқат, муҳим жараённи ўрганиш асносида ҳамсуҳбатимизнинг гаплари асоссиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. АТ «Агробанк»нинг Пахтакор филиали бошланғич ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам бунга мисол бўла олади. 15 нафар аъзони бирлаштирган мазкур қуйи тузилма етакчиси Жамшид Шодмонов йиғилиш иштирокчиларига ҳисоб берар экан, ўтган йили БПТ аъзолари жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид айрим муаммолар ечими топилишига партиявий воситалар билан кўмаклашиш, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ёшларга амалий ёрдам бериш ҳамда турли тадбирларни ўтказишда жонбозлик кўрсатишганини таъкидлади. Тадбирда БПТ фаолиятини янги босқичга кўтариш юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида келгусида амалга оширилиши лозим ишлар ҳақида қарор қабул қилинди. Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган талай вазифалар белгилаб олинди.

O`zLiDeP Бахмал туман кенгашидаги қуйи бўғин ҳисобот-сайлов йиғилиши эса танқидий-таҳлилий руҳда ўтгани билан ажралиб турди.

— Сарҳисоб бир неча йўналишда оқсаётганимизни кўрсатди, — дейди БПТ аъзоси Олим Абдурашидов. — Хусусан, ҳисобот даврида сафимизга янги аъзоларни жалб эта олмадик. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Шу сабабли БПТ раиси ўринбосарини вазифасидан озод қилиб, унинг ўрнига ёш, ташаббускор ёшлардан бирини сайлаш таклифи айтилди. Маслакдошларимиз бу ғояни қўллаб-қувватлашди. Пировардида фаолларимиздан бири — Обид Саидмуродов ушбу вазифага лойиқ кўрилди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам ишчанлик, ташаббускорлик яққол кўзга ташланмоқда.

— Яқинда O`zLiDePга аъзо бўлдим, — дейди ЖДПИ қошидаги лицей ўқувчиси Умида Каримова. — Ҳисобот-сайлов йиғилишида биринчи бор иштирок этишим. Ўзаро мулоқотлар, фикр алмашинувлар жараёнида бевосита иштирок этганим, ўзимни қизиқтираётган кўплаб саволларга жавоб топганим мен учун кони фойда. Биз — партиянинг навқирон аъзолари юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, сиёсий куч Дастурида белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқаришда тажрибали маслакдошларимизга, депутатларимизга суянамиз.

## Энг мақбул жавоб

**Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилоят кенгашидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотига 2004 йилда асос солинган.**

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr» мухбири

Ўтган даврда мазкур қуйи бўғин кўп юртдошларимиз, айниқса, партия электорати вакилларининг ҳурмат-эътиборини қозонишга муваффақ бўлди. Зеро, мазкур БПТ аҳоли мурожаатлари асосида ижтимоий-иқтисодий масалалар мониторингини муттасил амалга ошириб, депутатлик гуруҳи аъзолари билан ҳамкорликда жойлардаги муаммоларни кўтариб чиқувчи ва ечимини топишга кўмаклашувчи ўзига хос тузилма сифатида ҳам танилди. «Ватанпарвар» ташкилотининг раиси, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати, партия шаҳар кенгаши раиси Давронбек Ибрагимов эса БПТ саъй-ҳаракатлари, ташаббусларини сидқидилдан қўллаб-қувватламоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ушбу таянч тузилма партиямизнинг «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида туркум тадбирлар ўтказиш, «оммавий маданият», ахборот хуружларига қарши изчил ғоявий кураш олиб бориш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг доимий иш билан таъминланишига кўмаклашишни жорий йилга мўлжалланаётган фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилади.

— Катта-ю кичик учрашувларда, очиқ мулоқотларда одамлар «Партия турмушимиз янада фаровонлашуви учун қандай кўмак бера олади?», деган мазмундаги турли саволлар билан бизга мурожаат қилишади, — дейди яна БПТ раиси этиб сайланган Баҳодир Мухтаров. — Аниқ амалий ишлар эса уларнинг саволларига энг яхши жавоб, деб ўйлайман. Айни пайтда бундай хайрли ташаббуслар O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолатдир.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

## — БПТ йиғилиши самарадорлигининг ўлчовлари борми?

**— O`zLiDeP уставига биноан бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши зарурат бўлган пайтларда, аммо камида ҳар чоракда бир маротаба ўтказилиб турилиши белгиланган.**

**Таъкидлаш зарурки, БПТ йиғилишини ўтказишдан мақсад — берилган ваколатлар ва мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда партия электорати, яъни, тадбиркорлар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сиёсий куч фаолияти билан боғлиқ ҳамда ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига кўмаклашиш бўйича партия аъзоларининг атрофлича маслаҳатлашиб олиши ва кун тартибидаги масалаларни ҳал этишга йўналтирилган чоралар ишлаб чиқишдан иборат.**

**Қуйи бўғин жойлашган корхона ёки ундан ташқарида юзага келган муаммолар, чунончи, амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишига оид нуқсонлар, хусусий сектор вакиллари дуч келган тўсиқлар, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг қониқарсизлиги сингари масалалар ҳал қилиниши юзасидан бошланғич ташкилот раҳбарига қилинган мурожаат партия аъзоларининг режалаштирилмаган, навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилишига сабаб бўлиши мумкинлигини қайд этиш жоиз.**

**Партия таянч нуқтаси мажлисида туман, шаҳар, вилоят ёки республика миқёсида ҳал қилинадиган масалалар кўтарилган тақдирда, мажлис баённомаси тегишли чоралар кўрилиши учун партиянинг маҳаллий кенгашига тақдим этилиши лозим. Бунда баённомага муаммонинг батафсил мазмун-моҳияти ҳамда билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар илова этилиши мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида юқори турувчи партия органи қуйи бўғин ташаббуси билан кўтарилган масалалар борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида БПТ етакчисини хабардор қилиши лозим. Шундагина аъзоларнинг партия ташкилотига бўлган ишончи мустаҳкамланиши ва улар партия ишида онгли ва фаол қатнашиши тўғрисида сўз юритиш мумкин.**

**Хуллас, БПТ йиғилишининг сифати, самарадорлиги ҳар томонлама пухта ўйланиб қабул қилинган, муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қарорлар қай даражада тўлиқ бажарилиши билан ўлчанади.**

## «Дарахт ҳам томиридан қувват олади»

**— Бугунги кунда туманимизда 1900 га яқин O`zLiDeP аъзоси бор, — дейди партия Пискент туман кенгаши масъул ходими Гулора Турғунбоева. — Қувонарлиси, сафимизда бўлиш истагида бўлганлар сони тобора ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йилнинг айни даврида қарийб 900 нафар маслакдош, 30 та БПТ иш юритган бўлса, ҳозир жойларда 40 та қуйи бўғин фаолият кўрсатмоқда.**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr» мухбири

Фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлардан партияга аъзо бўлиш тўғрисидаги мурожаатлар оқими тўхтамаяпти. Эътиборлиси, БПТлар ўтган йилларга нисбатан фаоллашиб бормоқда. Масалан, туман почта-алоқа бўлимида ташкил этилган бошланғич ташкилотда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида бунинг исботини кўрдик. 36 нафар либерал ғоялар тарғиботчисини бирлаштирган, Равшан Абдуллаев бош бўлган мазкур қуйи тузилма доимо партия туман кенгашига ўз таклифлари билан чиқади. Йиғилишда ҳам улар туманда янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорларга кредитлар ажратиш, депутатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳақидаги таклифларни илгари сурдилар. Умуман, шу кунгача 20 дан зиёд БПТларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ташкил қилинган бўлса, уларнинг барчасида ҳаммаслакларимиз фаол қатнашганига гувоҳмиз. Айниқса, партиявий ишларни такомиллаштириш юзасидан илгари кўпроқ биз гапирган бўлсак, энди асосан улардан эшитаяпмиз. Албатта, бу қувонарли ҳолдир.

— Партиянинг аҳоли орасидаги нуфузи, сиёсий кучнинг қишлоқ жойларда ижтимоий масалалар, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган ёш тадбиркорларни банклардан бошланғич сармоя олиши, деҳқон хўжаликлари ташкил этилишига яқин кўмакчи бўлаётганини кўргач, O`zLiDePга аъзо бўлганман, — дейди «Ходжаев Довурбек» фермер хўжалигида ташкил этилган қуйи бўғин етакчиси Сайёра Ҳожиева. — Аъзоларимиз турли ёш, турли феъл-atвордаги 11 нафар инсон бўлса-да, ҳаммамизни ягона — партиямиз дастурий вазифаларини рўёбга чиқариш мақсади бирлаштириб турибди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида халқ депутатлари туман кенгаши сессиялари кун тартибига киритиш учун ўзимиз тайёрлаган бир неча таклифни ўртага ташладик. Айтайлик, фермер хўжаликларининг ҳар бири бу йил камида 3 тадан янги иш ўрни яратсалар, туманимиз бўйича 200 дан ортиқ киши ишга жойлашар экан. Умуман, одамлар орасига чуқурроқ кириб бориш, оммага янада яқинроқ бўлишни ният қилганмиз. Чунки бошланғич ташкилот жонкуяр бўлса, электорат ташвишини ўз ташвиши деб билса, партиямиз обрўси янада ортади. Дарахт қанчалик улкан бўлмасин, у барибир илдизидан сув ичади, қувват олади. Партиямизнинг томири эса бошланғич ташкилотлардир.

### СЕССИЯГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР

**— Назаримда, ўтган йилги фаолиятимиз самарали бўлди, — деди Муборак туманидаги «Тонг» МФЙ ҳудудида тузилган БПТ раиси Эркин Баратов ҳисобот-сайлов йиғилишида. — Ўтказилган йиғилишларимизда маҳалла ҳудудидаги фойдаланилмаётган бинода теннис корти, шахмат-шашка ва шейпинг заллари ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, кўп қаватли уйларни иситиш тизимини, маҳалла ички йўлларини таъмирлаш хусусида ва бошқа таклифлар билдирилди. Туман кенгашидаги депутатларимиз билан мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш бўйича изчил иш олиб бордик. Уларнинг баъзиларини ҳал этишга эришдик. Қолганлари эса халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясида кўрилиши режалаштирилган.**

**Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар тўғрисида O`zLiDeP туман ташкилотининг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича бош консультанти Норсулув Ёрматова маъруза қилди.**

**Иштирокчилар томонидан қуйи ташкилотнинг ўтган йилдаги фаолиятига яхши баҳо берилди. Бошланғич ташкилот раиси, унинг ўринбосари сайланди ва 2016 йил учун иш режаси тасдиқланди.**

O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Матбуот хизмати.

# Қишлоқ мулкдорлари




# Ойдин юзли АВЛОД

*Публицистика*

**— Ўҳ-ў, Тошкент тоза ўзгариб кетибди-ку, — деди дўстим Амин теваракка завқ билан алангларкан, — анави баланд иморат биллурдан қурилганми дейман, жимир-жимир товланишини-чи... Манави кўприкка қаранглар, шаҳарнинг қоқ белида худди Алпомишнинг ёйидай ястаниб ётибди. Буни ҳам илгари ҳеч кўрмаганман...**

Биз ўтирган машина таранг тортилган тасмадек равон, кенг йўл бўйлаб елиб бормоқда. Ўнгу сўлда серҳашам, сержилва шаҳар. Орқа ўриндиқдаги Амин шўх боладай суюнади. Мен таажжубланганча уни кузатаман. Кун сайин, соат сайин кўркига кўрк қўшилаётган пойтахт Аминни қанчалар ҳайратга чулғаган бўлса, кўришмаганимиздан бери буткул ўзгариб кетган дўстим ҳам мени шунчалар ҳангу манг қолдирган эди.

Амин билан синфдошмиз. Уни сўнгги бор роппа-роса тўққиз йил аввал қишлоқдаги бир маъракада учратгандим. Чала куйган тарашадек бир чеккада мунғайиб турарди. Гап-сўзидан маълум бўлдики, Амин ўша кунлари қўшни юртларнинг биридан илиги қуриб қайтган экан.

«Мўмай даромад излаб боргандим, — дея ҳасрат қилганди у, — лекин номардлар боплаб алдашди. Икки йил эзиб ишлатиб, кейин итдек ҳайдаб юборишди».

Ўша учрашувдан сўнг Аминни бошқа кўрмагандим. Мана, қаршимда турибди у! Қўрғошиндан қуйилгандай қорувли, бақувват, юз-кўзидан шиддат, ғайрат ёғилади. Уст-боши пўрим, қўлида мобиль телефони. Отаси — Худойназар бувани пойтахт врачларига кўрсатиш учун олиб келибди.

Амин билан роса суҳбатлашдик. Дўстим ўша, аламли чет эл сафаридан сўнг фермерликка уннабди.

— Аввалига 10 гектар ер олдим. Кейинги йил уни 25 гектарга етказдим. Шу кеча-кундуз эса...ҳа, майли бу ёғини айтмай қўя қолай, кўзинг тегади, — деб кулимсиради Амин, — мана, отамнинг йўл-йўриғи, маслаҳатлари билан ишлаб юрибмиз-да.

Дарҳақиқат, Аминнинг отаси – Худойназар Чориев маслаҳат берса бергудек, ўргатса ўргатгудек оқсоқоллардан. Бир умр пахта пайкалидан чиқмаган инсон. Илгарилари, «Худойназар бригад» деса уни туман тугул, бутун вилоятдаям ҳамма яхши танирди. Чунки ҳар йили режа-мажбуриятларини дўндирадиган машҳур пахтакор эди-да. Аммо хирмонлари юксалган сайин Худойназар бригаднинг қадди букчайди, мадори кетди. Қуруқ мақтовлар, мажлисларда елкасига қоқиб, ўзгаларга намуна қилиб кўрсатишлар кунига ярамади. Даста-даста «Фахрий ёрлиқ»лар кези келганда, ҳатто тандирига тутантириқ ҳам бўлмади. Чўнтак қуп-қуруқ, рўзғор эса катта. Худойназар бригад адолатсизлик олдида лол қотди. Лекин ноилож. Охир-оқибат, бир умрлик фидойи меҳнатлари эвазига бел оғриғи, бош оғриғини орттириб, амал-тақал билан пенсияга чиқди.

Мен Худойназар буванинг ўша серзаҳмат пахтакорлик даврини эслар эканман, туйқус бир аччиқ ҳақиқатни англаб етгандек бўлдим. Худойназар бригад ўз фожиасини ўша пайтлардаёқ тушуниб етган.

«Болаларим, — деди бир куни у Амин иккимизни ёнига ўтқизиб, — менга ўхшаб қора тупроққа қоришиб ўтманглар, ўқинглар, битта-биттадан устулнинг эгаси бўлинглар».

Қарангки, машҳур пахтакор уқубатлардан қутулишнинг бирдан-бир йўли «устул эгаси», яъни амалдор бўлиш, деб билган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўша давр муҳитида каззоб, юлғич амалдорларнинг ҳамиша ошиғи олчи, турмуши тўкин бўлган. Барча, ҳатто донгдор деҳқонлар ҳам уларга ҳавасманд қарашган.

Аммо Худойназар бригаднинг орзулари ушалмади. Мактабни туппа-тузук битирган бўлишига қарамай, ўғли Амин институтга, яъни амалдорлик ўқишига киролмади.

...Туйқус хаёлимни дўстимнинг мобиль телефони бузди. Амин шошилмай, қайроқтошдай аппаратини қулоғига тутди. Тута-тута, орқа ўриндиққа амалдорлардай ястаниб олди.

— Эшитаман.

Улар узоқ гаплашишди. Гоҳ у сўради, бу жавоб берди, гоҳ бу тушунтирди, у эса тинглади.

— Ким билан гаплашдингиз? — сўрадим қизиқсиниб, ниҳоят дўстим телефонини қатлаб қўйгач.

— Вилоят ҳокимлигидан, — деди Амин жилмайиб. — Қишлоғимизда сут, гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона очиш ҳаракатидаман. Шу масалада ўз таклифларимни қоғозга тушириб, ҳокимликка киритгандим. Раҳбарлар беэътибор қолдиришмабди. Келинг, ёрдам берамиз, дейишди.

Аминга анграйиб қараб қолдим. Оддий бир фермернинг вилоят миқёсидаги раҳбарлар билан бемалол гаплашиши, ўз фикрини уқтириши менга жуда ғалати туюлди. Беихтиёр олд ўриндиқда хаёлчан ўтирган қарияга юзландим.

— Худойназар бува, сиз ҳам бир маҳаллар обкомдагилар билан шундай, бемалол гаплашармидингиз? Машҳур бригад эдингиз-ку?!

— Йўғ-э, — деб юборди қария гўё қаршисида обком вакили пайдо бўлгандай чўчиб тушаркан, — биз обком тугул, райком хизматчисининг олдида ҳам тек қотиб турганмиз, худди аскардай. Ўзимизча гапириш қаёқда?! Сўраса жавоб берардик, буюрса «хўп» дердик...

Мен яна Аминга қарадим. Қарадим-у шаҳар кўчаларини чангитиб юравериб, қишлоқ ҳаётидан анча-мунча узилиб қолганимни англаб етдим. Мана, қаршимда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотларни ўзида мужассам этган тирик тимсол – дўстим Амин турибди! Донишмандларча юритилган сиёсат, ғамхўрлик, қаранг, кечагина қоқилиб-сурилиб юрган инсонни нақадар ўзгартирган! Бир пайтлар отаси унинг тўра бўлишини орзу қилган эди. Мана, савлат ва виқорда қайси амалдордан кам, дўстим Амин?!

— Худойназар бува, — деб тағин гапга соламан қарияни, — Аминнинг амалдорликка ўқиёлмай қолгани чатоқ бўлди-да, юрарди ҳозир бир устулни эгаллаб...

— «Устул» дейсан-а, болам, Аминбой ҳозир оламжаҳон ернинг эгаси. Корхона ҳам қуришни бошлаб юборган! Мулки борнинг эрки бор, эрки борнинг кўрки бор, дейишган қадимгилар. Лекин... тўғрисини айтсам, боланинг бошини юрт силасин экан-да. Чунки чўққидаги инсон узоқни кўради, келажакни кўзлайди. Бизга ўхшаб оёғи остидагиларни кўрмай қолмайди, болам.

— Худойназар бува, ўша машҳур пахтакорлик пайтингиз мулкдор бўлишни, ер эгаси бўлишни ҳеч хаёл қилганмисиз?

Қария изтироб билан бош чайқади.

— Э-э, қайда болам, пешонамизда бори шу экан, деб ўтдик. Лекин... биров-ярим ўйлаганлар ҳам бор эди. лекин... уларнинг боши кулфатдан чиқмади. Ҳув, қизилқоқлик Исмоил гуррини эслайсанми?..

Албатта, эслайман. Раҳматлик Исмоил ака шундоққина кўз ўнгимда турибди. Калтабўй, қош-мўйловлари ўқталган қиличдай, серғайрат бригадир эди. Дангал, дали-ғули бўлгани учун эл-улус унга «гурри» лақабини тиркашган. Шу одам мажлисларнинг бирида ҳаммани ҳангу манг қилиб ташлаган. «Ўртоқлар, — дебди у гоҳ пастдагиларга, гоҳ юқорида ўтирган раҳбарларга кўз ташлаб, — давай, Қизилқоқдан юз гектар ерни менга хатлаб беринглар. Шу дала менинг мулким бўлсин. Ҳам тирикчиликни қилай, ҳам ҳамқишлоқларимни боқай, давлатга ҳам фойдам тегсин».

Исмоил гурри тилидан топди. Уни ўша йиғиндаёқ қўлларини орқасига қайириб олиб кетишган. Шўрлик қай гўрдаги авахталарда уч ой ётди. Сўроқ-терговдан боши чиқмади. Яхшиямки, қишлоқда бир-икки кайвони кишилар бор экан. Ўшалар кўргуликка лоқайд қараб турмай, Исмоил гуррини қутқариш илинжида югуриб-елишди. Тажрибали ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашиб, пойтахтдаги шифохоналарнинг биридан ҳужжат-хат тўғрилаб келишди. Исмоил гуррининг жинни эканига гувоҳлик берувчи ушбу бир парча қоғоз, мулкталаб шўрликнинг жонига оро кирди. Ҳали ўз айбини тузукроқ англаб етмаган Исмоил бир амаллаб қутулиб чиқди. Бироқ шу-шу, бечора ўнгланмади. Бригадирликдан ҳайдалди, маҳаллий раҳбарлар эътиборидан қолди. Кимлардир ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дейдиган бўлишди. Охир-оқибат, Исмоил ака орадан уч йил ўтмай, чинакам руҳий хасталик касридан вафот этди.

— Раҳматлик жўрам, — деди Худойназар бува кўзи ёшланиб, — ўлими олдидан, «Ё, Худо, ерлар эгасини топадиган замонлар ҳам келармикан», деб илтижо қилганди. Мазлумнинг дуоси ҳамиша ижобат-да. Яратганга шукр, шундай ёруғ кунлар ҳам келди.

Шу пайт Аминнинг телефони тағин тилга кирди. Дўстим яна ким биландир жўшқин сўзлаша бошлади. Бу гал суҳбат аллақандай хорижий ҳамкорлар ҳақида бўлди. Афтидан, Аминнинг режалари каттага ўхшайди. Гурунг оҳанги шунга монанд.

Мен унга ҳануз ҳайрат билан тикиламан. Тикиламану хаёлимда ҳалигина Худойназар бува тилга олган ҳикматли ибора чарх уради: мулки борнинг эрки бор, эрки борнинг кўрки бор. Нақадар гўзал ҳақиқат! Ҳақиқатки, у фермер, тадбиркор дўстим Аминнинг юз-кўзида балқиб турибди. Аминнинг қиёфасидаги виқор, ўктамлик, аслида унинг руҳида, онгида мавжланаётган куч-қудрат, шижоатдан дарак. Бу куч-қудрат, шижоат манбаи – Ишонч! Ўз-ўзига, келажагига ишонч. Лекин Амин битта эмас. Бугун юртимизда минглаб аминлар ерга, мулкка эгалик нашидасидан масрур. Уларнинг юз-кўзида «Ким эдигу, ким бўлдик» деган ҳақли саволнинг ҳақли жавобини уқиб оламиз.

Бугун биз мустақиллигимизнинг 25 йиллик қутлуғ тўйини нишонлашга чоғланиб турибмиз. Биз одатда зафарлар, ютуқлар борасида сўз кетган чоғ, кўпинча чиройига-чирой қўшилаётган шаҳар-қишлоқларимиз, гуркираб ўсаётган иқтисодимиз, қурилаётган йўллар, иншоотлар ҳақида гапирамиз. Албатта, бундай бунёдкорликлар инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Бироқ шу ўринда мамнуният билан таъкидлаб ўтиш ўринлики, бугун – мустақил, руҳий-маънавий қиёфаси янгича, ишонч-эътиқоди мустаҳкам бир авлод шаклланди. Мустақиллигимиз ато этган энг улкан, энг шарафли ютуқ ана шунда!

**Луқмон БЎРИХОН,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

# «Томорқадан кеч кузгача ҳосил оламиз...»

Ёшим 69 да. Ҳозир ҳам эрталаб 3-4 километр югураман, бадантарбия билан шуғулланаман. Кунига 7-8 соат мобайнида томорқада меҳнат қиламан. Турмуш ўртоғим Малика Шодиева билан бир умр юртдошларимизнинг фарзандига илм-фан сирларини ўргатдик. Оддий ўқитувчилик ҳамда 10 сотихга яқин томорқадан олинган даромадлар орқасидан саккиз фарзандимизни олий маълумотли, уй-жойли қилиб, элга қўшдик. Уларни меҳнатга, ерни севишга ўргатдик. Қўша-қўша тўй қилдик, иморатлар қурдик. Яратганга шукур, замонавий автомашина, барча турдаги маиший техникаларимиз бор. Айни кунда, оладиган пенсиямиздан ташқари томорқамиздан йилига камида 10-15 миллион сўм даромад кўряпмиз.

Томорқамизда 80 тупга яқин, ўндан зиёд турдаги мевали дарахт ва ток кўчатларини парваришлаймиз. Қатор ораларига йил давомида сабзи, пиёз, турп, шолғом, помидор, бақлажон, бодринг, қулупнай, булғор қалампири сингари сабзавот, картошка, резавор ва кўкатлар, ошқовоқ, ҳандалак экамиз. Мевали дарахт ва ток кўчатлари етиштирамиз. Бир сўз билан айтганда, томорқамизда бир қарич ер бўш қолмайди. «10 сотих ердан шунча даромад олиб бўларканми, бунинг устига 80 тупдан зиёд дарахт экилган бўлса, майда экин экиш учун бўш ер қаердан қолсин», «Домла лоф қиляпти» дегувчилар ҳам кўп. Тўғри, бўш ер жуда кам. Аммо, юқорида таъкидлаганимдек, ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Масалан, «дастурхон»нинг катталигидек жойга жўяк олиб, шу кеча-кундузда плёнка остига помидор ва бодринг кўчатлари ўтқазамиз. Унинг пуштасига эса, тез пишиб етилувчи редиска, шивит, кашнич сингари кўкатлар экилади. Март-апрель ойларида плёнка йиғиштирилиб, жўякнинг ичида устунлар ўрнатиб, симбағаз ясалади ва экинлар унга иссиқхонадаги сингари кўтариб боғланиши боис, ер бўш қолиб, исроф бўлмайди. Йиғиштириб олинган кўкатлар ўрнига 1-1,5 метр оралиқ ташлаб, кунгабоқар ёки маккажўхори экамиз. Бу, ҳам қўшимча даромад, ҳам помидор, бодринг ва бошқа асосий экинларни ёзда эсувчи гармсел ва «таппот»лардан асрайди. Шундай қилиб, экинлардан кеч кузгача ҳосил оламиз.

Ҳа, омилкорнинг дастурхони тўкин бўлади. Чунки, етиштирилган барча мева-чева ҳамда сабзавот-полиз маҳсулотларидан қиш мавсуми учун захира яратилади. Пишиб етилган турли-туман мевалардан тайёрланган компот, шарбат ва мураббolar сизга йил бўйи қувват манбаи бўлади. Тут ва узумдан тайёрланган шинни камқонликнинг олдини олади. Карам, бодринг, помидор, бақлажон, булғор қалампири сингари сабзавотлардан қилинган тўғрама, тузлама ва салатлар дастурхонингизни тўкин қилади. Қиш-баҳор мавсумининг «илик узилди» чоғларида ҳам инсон организми учун зарурий витаминларга танқислик сезмайсиз.

Айни кунда томорқамизда парваришланаётган саримсоқпиёз ва қулупнай дарахтлар ерга соя ташлаб улгурганича йиғиштириб олинади ва ўрнига яна «сояпарвар» экинлар экилади. Ерга экинни кетма-кет экаверган билан кутилган даражада ҳосил олиш қийин. Ер ҳам тирик организм. Уни табиий ва минерал ўғит билан тўйинтириб, озиқлантириб туриш лозим.

Ток ва мевали дарахтлардан муттасил юқори ҳосил олиш учун шакл бериш ва буташ кузда бажарилмаган бўлса, бугун зудлик билан бажариш лозим. Токларнинг эски пўстлоқларини шилиб ташлаш, кўчатларнинг танасини мис купороси қўшилган оҳак билан оқлаш турли зараркунанда ва касалликлардан асрайди. Касаллик, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши кураш воситаларининг қимматлиги кўпгина боғбонларни қийнаб қўяётганлигини кўп эшитамиз. Аммо, биз ана шу қимматбаҳо кимёвий воситалар ўрнига бепул дори — қишда печка мўрисидан оқадиган қурум «шинни» (шира)сидан фойдаланиб, яхшигина самара оляпмиз. Қишда махсус идишга йиғилган «шинни» дарахтлар «уйғониши» олдидан унинг танасига суртиб чиқилса бас. Бундай ишлов берилган кўчатга ёз бўйи ҳеч қандай ҳашарот ва касаллик яқин йўламайди. Кўчатлар атрофига минерал ўғитларга қўшилган оддийгина кул сепиб (ҳар бир қишлоқ хонадонида бундай бепул доривор воситани етказиб берувчи ўчоқ ва тандир мавжуд), ағдариш бўлажак ҳосилга барака қўшади.

Хуллас, юртдошларимизга айтадиган гапим шуки, ота-боболаримиз «Иш билганга минг танга», деган гапни бежизга айтишмаган. Томорқангиздан омилкорлик билан фойдаланинг, хонадонингиз тинч, турмушингиз фаровон, ризқингиз бутун бўлади.

**Зиннатилло ИСОҚОВ,**
Нафақадаги ўқитувчи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.
Қизилтепа туманидаги Хусбудин МФЙ.

# Ўғилой нега ожиза эмас?

Азим пойтахтдан кўҳна Фарғонага Камчиқ довони орқали ўтганмисиз?! Ўтмаган бўлсангиз, бир ўтинг-да. Тоғнинг муздек мусаффо ҳавоси, манзарасидан баҳри дилингиз яйраб Сирдарё кўпригидан ўтишингиз биланоқ, йўлнинг чап томонидаги «Умурзоқова Муҳаррама опа» савдо мажмуасининг қиз-жувонлари тандирдан янги узилган қўқон патирлари, ушлаб оғзингизга солишга улгурмай қўлингизда эриб кетадиган қўқон ҳолвалари билан кутиб олишади. Нафас ростлаб, бир пиёла чой ичар экансиз, йўлнинг чап томонидаги барқ уриб ўсаётган буғдойзорларни кўриб, беихтиёр «Отангга балли, фермер» деб юборасиз. Буғдойзорлар «Ҳожиакбар замин файзи» фермер хўжалигига тегишли. Ана ўша савдо ярмаркасини ҳам, фермер хўжалигини ҳам O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Данғара туман кенгаши депутати, туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси, «Оқжар» ҚФЙ ҳудудида ташкил этилган партия бошланғич ташкилот етакчиси Ўғилой Қодирова бошқармоқда.

Эндигина 30 ёшдан ўтган Ўғилойнинг саъй-ҳаракати исмига ярашиб тушади. У Фарғона политехника институтини битириб, 2007 йили «Умурзоқова Муҳаррама опа» савдо мажмуасида иш бошқарувчи бўлиб фаолият бошлади. Тошкент-Ўш йўлида боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги, қандолат ва нон маҳсулотлари билан савдо қилувчи 33 нафар якка тартибдаги тадбиркор хотин-қиз учун замонавий савдо мажмуасининг қурилишига бош-қош бўлди.

— Илгари йўл ёқасида ёғин-сочинли кунларда қийналиб қолардик, — дейди нон маҳсулотлари билан савдо қилувчи Зулайҳо Жўраева. — Ўғилойнинг тадбиркорлиги туфайли бизга яхшигина шароит яратилди.

— Ўтган йили коллежни битириб, Ўғилой опанинг кўмаги билан мен ҳам тадбиркор бўлдим, — дейди Гулзода Деҳқонова. — Мен каби қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга Ўғилой опа доимо тайёр.

Ў. Қодирова 2013 йилда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида туманда ўтказилган «Энг яхши тадбиркор аёл» кўрик-танловининг «Қишлоқ жойларда энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «Энг яхши тадбиркор аёл» кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳам «Сервис соҳасидаги энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси бўйича 1-даражали диплом билан тақдирланди ва ўша йили Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, АТ «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида ташкил этилган «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танловининг республика босқичида муваффақиятли қатнашди. Бу унга қанот бағишлади. Мана, бир йилдирки, туман «Тадбиркор аёл» уюшмасига раислик қилиб келяпти. Ўтган вақт мобайнида уюшмага 80 нафар ҳунарманд, тадбиркор аёлларни жамлаб, юзлаб янги иш ўринлари ташкил этилишига ҳисса қўшди.

**Ўғилой ҚОДИРОВА: — АЁЛ КИШИ ЎЗИНИ ОЖИЗА ДЕБ БИЛМАСЛИГИ КЕРАК. ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС, ДОИМ ОЛДИНГИ САФЛАРДА ЮРИБ, ЮРТ РАВНАҚИГА МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШИШ ИШҚИДА ЯШАМОҒИ ЛОЗИМ.**

— Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида биз — аёлларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик туфайли куч-ғайратим жўш урмоқда, — дейди Ў. Қодирова. — Савдо мажмуамиздаги фаолиятим билан чекланишни ўзимга эп билмадим. Шу боис, фермерликда ўзимни синаб кўриш истаги туғилди. «Сирдарё» ММТПга қарашли, мелиоратив ҳолати қониқарсиз, 70 фоизи шўрлаган 44 гектар ерда фермер хўжалигимизни ташкил қилдим. Ота-онам, турмуш ўртоғим Элёржон ака билан бамаслаҳат иш юритяпман.

Эътиборли жиҳати, 5 йилдан бери янтоқзор бўлиб ётган қолоқ ерлар бугун эпақага келди. Ўғилой шахсий маблағи ҳисобидан 1 та трансформатор, 3 та сув насоси ўрнатди. Мавжуд 10 та картанинг захини қочириш учун чор атрофидан зовур қаздирди. Қиш ичи 3 маротаба шўр ювилди. 40 нафар хўжалик аъзоси учун дала шийпони қурилди. Илгари бир туп ҳам дарахт қолмаган ерларга узум ва мевали кўчатлар, 1500 туп тут кўчатлари экилиб, парваришланяпти. Фермер хўжалиги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида бу йил 12 нафар битирувчи билан шартнома имзолади. Уларнинг 8 нафарини қизлар ташкил этади.

Ўғилой хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этишни бирламчи вазифа сифатида билади. Ўзи етакчилик қилаётган «Оқжар» ҚФЙ ҳудудида ташкил этилган қуйи бўғиндаги 66 нафар аъзонинг 50 фоиздан кўпроғи касаначилик билан шуғулланади. Депутат сифатида хотин-қизлар бандлигини таъминлашда кўмаклашиш масаласини ҳар галги йиғилишда ўртага ташлайди. Чағали, Оққўл, Кичик турк, Хурмантан, Қорақалпоқ қишлоқларида истиқомат қилаётган аёллар ўртасида тадбиркорлар сонини кескин оширишни ният қилган. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, у мазкур қишлоқларнинг 5 та янги маҳалласида яшовчи сайловчилардан тушган мурожаатга асосан туман йўллардан фойдаланиш пудрат корхонасига кўчаларни асфальтлаш масаласида депутатлик сўрови юборди. Корхона мутахассислари томонидан ҳозирги кунда масалани ижобий ҳал этишга киришилди.

**Аҳрoржон МУСУРМОНОВ,**
**«XXI asr» мухбири.**

## Бухородаги «Gala River» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча ватандошларимизни
она заминимизни
ям-яшил либосга буркаб
кириб келаётган
баҳорий байрам билан
қутлайди.
Улуғ бунёдкорликнинг абадий
қудрати ўзига чорлаётган
ана шундай дамларда барчангизга
сиҳат-саломатлик,
дастурхонингизга
тўкин-сочинлик тилаймиз.



*Ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!*

*Хизматлар лицензияланган.*

## «НАВОИЙ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ жамоаси

*Ўзбекистон халқини
баҳор ва яшариш айёми
билан чин юракдан табриклайди.
Баҳорий кайфият ва
навқиронлик руҳияти
йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин.
Омад ва муваффақият
сизни ҳеч қачон
тарк этмасин!*



*Хизматлар лицензияланган.*

## «ҒИЖДУВОН МАШҲУРАСИ» хусусий корхонаси жамоаси

юртимизнинг меҳнатсевар,
бағрикенг, меҳмондўст,
бунёдкор халқини ўлкамизга фасллар
келинчаги бўлмиш баҳор ҳамда
Наврўзи оламнинг кириб келиши билан
самимий муборакбод этади.
Барчангизга бахт, соғлиқ,
хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик,
ишларингизда омад ёр бўлишини тилаймиз.
Эркимиз, шону шавкатимиз боқий бўлсин, азизлар!





*Хизматлар лицензияланган.*

# Ҳаёт ҳақиқатлари

**Маҳмуд САЪДИЙ,**
**адабиётшунос:**

*— Одам умр бўйи комил инсон бўлишга интилади. Балки комил инсон бўлолмас, лекин, ҳар ҳолда, киши олдинга қараб интилса, анча жойга бориб қолади. Масалан, Алишер Навоийни идеал деб олсангиз, унинг умматига айланиб қоласиз. Машрабда бор-ку: «Ул Иброҳимдан қолган эски дўконни на қилай…» Каъбани шундай деб айтаяпти у! Чунки ундан юксакроқ худо бор. Худонинг олдида Каъба нима! Макка нима деган гап! Машраб ҳаддан ташқари максималист бўлган. Демак, у энг юксак, энг муқаддас тушунчани биринчи ўринга қўйган. Навоийнинг буюклиги, граждалик жасорати шундаки, у ўзбек халқининг қаддини кўтариш, бағрини бутун қилиш учун, ўзбек тилининг бошқа ривожланган тиллар билан баравар имкониятга, қудратга эга эканлигини исботлаш учун курашди. Навоий ижоди эса чинакам маънодаги бир уммонки, ундан ҳар ким имконияти даражасида олиб фойдаланиши мумкин. Навоий тугамайди-да…*

*Ўқиётганда мақсад билан ўқиш керак, деб ўйлайман. Мен мақсад билан ўқийман. Шундай асарлар борки, уларни, албатта, қайта-қайта ўқиш керак. Масалан, «Алпомиш». «Алпомиш»ни ҳар сафар ўқиганда, нимадир топасиз, аввал англамаган жиҳатларни кашф этасиз. Кейин, Навоий ғазалларини. Улар кўпқатламли. Буюк асарлар, классик асарлар кўпқатламли бўлади. Уларни охиригача тушуниб етиш жуда мушкул. Балки, бир одамнинг умри етмас. Сирлари очилавериши мумкин. Ҳар сафар бошқа бир томонини кўрасиз. «Қаро кўзум» ҳақида шунча шарҳнинг битилиши бекорга эмас-да.*

*Ҳозир одамлар китоб ўқимай қўйди, деган гап менга ёқмайди. Ўқийман, деган одам ҳамма вақт ўқийди. Қимматми-арзонми, унинг аҳамияти йўқ. Ўқимайдиган эса, барибир, ўқимайди. Оммавий китобхонлик, деган гапга қўшилмайман. Юракнинг иши бу. Юраги билан ўқиши керак одам китобни. Ҳаммани китоб ўқишга мажбур қилиш шарт эмас.*






«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти жамоаси Навоий вилояти бўйича мухбир Мансур Аслановга турмуш ўртоғи
**Гулзира АСЛАНОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

O`zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши партиянинг Қибрай туман кенгаши раиси Ғайрат Мираҳмедовга онаси
**Хатима ИСЛОМОВА**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## ҚУТЛОВ










XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** xxi_asr@umail.uz

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 5367 Тираж: 15420

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.


©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Б.ИСРОИЛОВ, Ш.РАҲИМОВ.